1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 21-APREL
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

47
(16204)

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2018 йил 23-24 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Аньанавий дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтадиган икки томонлама учрашувлар ва олий даражадаги музокараларда кўп қиррали Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Ташриф дастурида давлат раҳбарларининг Тошкент шаҳридаги Ашхобод паркининг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Ушбу маскан мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларининг ёрқин рамзларидан бирига айланиши кутилмоқда. Шунингдек, чегарадош Хоразм вилоятига ташриф ҳам режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Туркманистон етакчи иқтисодий тузилмаларининг бизнес-форуми бўлиб ўтади.

Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланиши кутилмоқда.

**BELLASHUV**

## БОЛАЛАРНИНГ ҒОЯЛАРИ ЎЗГАЧА

**Мамлакатимизда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда**

"Камалак" болалар ташкилотига аъзо ўғил-қизларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган танловда **Андижон** вилоятининг туман ва шаҳарларидан саралланган 16 жамоа ўзаро баҳс олиб борди. Иштирокчилар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб шартларида билим ва маҳоратини синовдан ўтказиб, ижтимоий лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

Якунда Шаҳрихон туманининг "Камалак" ўғлонлари" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб ҳамда фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Танловнинг **Тошкент** вилояти босқичи ҳам қизғин кечди.

Беллашув аввалида мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий илм-фан ва касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган имкониятлар хусусида сўз юритилди. "Камалак" билимдонлари" кўрик-танлови ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ўқувчилар саҳнада тенгқурлари орасида учраётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида фикрлашди. Ғолиблик Оққўрғон туманининг "Инновация" жамоасига насиб этди.

**Қашқадарё** вилоятидан "Камалак" билимдонларининг финал босқичига чиқиш учун 15 жамоа кураш олиб борди. Ҳар бир шарт иштирокчиларнинг янги қирраларини кашф этишга имкон яратди. Айниқса, болалар ишлаб чиққан турфа лойиҳалар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ўқувчилар "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш, учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирди. Барча шартларни аъло бажарган Шаҳрисабз шаҳрининг "Камалак" сафдошлари" жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди.

**Авазбек АРАББОЕВ,**
**Шоира ОХУНЖОНОВА,**
**Аҳрор СОДИҚОВ**

**MUNOSABAT**

## ЖАСОРАТДА ТЕНГСИЗ ОМОНАТИМИЗ

*Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони миллионлаб юртдошларимиз қалбида чуқур миннатдорлик ҳиссини уйғотди. Зотан, тинч-осуда, саодатли кунларимиз учун жонини фидо этган, қонли жанггоҳларда ғаним билан мардонавор олишган ўзбек халқининг жасур фарзандлари хотирасини ёд этиш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш инсоний бурчимиздир. Бу хусусда ёшларнинг фикри билан қизиқдик.*

**Севинч МАЖИДОВА, Каттақўрғон туманидаги 17-умумтаълим мактабидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси:**

— Болалигимда бобомдан уруш нималиги ҳақида сўраганим эсимда. У киши овози титраб: "Уруш — энг оғир кулфат. У инсонларни жон-жигаридан айиради, оналарни фарёдга солади. Урушнинг номи ўчсин!", — деб жавоб берганди. Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини бошидан ўтказган ҳамюртларимизни рағбатлантиришга доир Президент фармонини ўқиб, ўша аччиқ сўзлар яна хаёлимда мавжланди. Қалбим энтикиб, давлатимизга мингдан-минг раҳмат айтгим келди!

Ватан озодлиги учун курашган инсонларни ёд этмоқ, қадр-қимматини баланд тутмоқ учун аслида муайян санани белгилаш, қарор ва фармонлар чиқариш шарт эмас. Бу ишларни ўзимиз виждон амри билан бажармоғимиз даркор.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 5 миллион сўмдан пул мукофоти, эҳтиёжи борларга уй берилиши билан улар олдидаги қарзимиз узилмайди, албатта. Лекин қалби оз бўлса-да кўтарилгани муҳим. Бундай эътибор навқирон авлодни бугунги дориламон кунлар қадрига етиб яшашга даъват этса, ажаб эмас.

**Дилноза НОДИРОВА, Қизилтепа туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллион аҳоли қатнашган. Учдан бир қисми ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси бедарак йўқолгани ёки майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга олсак, фашистлар устидан қозонилган ғалаба халқимизга қанчалик қимматга тушгани яққол намоён бўлади.

Ҳа, уруш билан юзма-юз келиб, омон қолган инсонлар энди бизга омонат. Улар 9 май муносабати билан пойтахтимизда ўтказиладиган асосий тадбир-тантаналарга мутлақо бепул келиб-кетиши, меҳмонхоналарда яшаши, овқатланиши ва маданий ҳордиқ чиқариши, шунингдек, Ялта, Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга давлат ҳисобидан юборилишини эшитиб, поезду самолётлардан атрофни масрур кузатаётган нуронийларимизни кўз олдимга келтирдим. Тўлқинланиб кетдим. Шундай шароитларни яратиб берган Юртбошимиз бебаҳо инсон. Бахтимизга омон бўлсинлар!

**Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— "Вокзал. Онасининг қучоғидан узилолмаётган, маҳбубасига ийманиб боқаётган йигит поездга чиқди-ю, кўз ёшларини артди... Афсуски, у жангдан қайтмади...". Китобни аста ёпдим. Уруш сўзининг совуқлиги этимни жимирлатди...

Москвада ўқиган амаким талабалик йилларини ёдга олганида: "Рус халқи уруш даврида барчани ўз оға-инисидек билиб, нонини баҳам кўрган, уйини бўлишган ўзбеклардан жуда миннатдор", — дерди. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ватандошларимиз рус, украин, белорус, молдаван, қўйингки, ҳар қайси миллат вакилларини ўз жигаридек қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбарияти фахрийларга ғамхўрлик кўрсатиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда иштирок этишга жалб этаётганидан қувонмай иложимиз йўқ.

Фахрийларнинг жасорат ва шижоати биз учун ҳамиша ибрат. Хотирасини азиз билмоқ эса, қадриятдир.

**Тўмарис БУТУНБОЕВА ёзиб олди.**

**ESHITDINGIZMI?**

### ЙИЛ КАШФИЁТИ БЎЛДИК

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган Глобал тадбиркорлик конгрессида Ўзбекистон тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар учун "Йил кашфиёти" номинациясига сазовор бўлди.

Махсус соврин юртимиз делегациясига топирилди. Унинг таркибидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси вакиллари ўрин олган.

### НОЁБ АВТОМОБИЛЛАР КАРВОНИ

**Ўзбекистонга келади**

"Ғалаба — барча учун битта" номи остида ўтказилаётган акция 17 апрелдан старт олиб, 9 майга қадар давом этади. 1930 — 1943-йилларда ишлаб чиқарилган еттита ретро автомобиль Россиянинг Нижневартовск шаҳридан йўлга чиқиб, сафарини Самарқанд шаҳрида якунлайди.

### MENING FIKRIM

**портали ишга тушди**

Ушбу веб-ресурс орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинаётган ёки муҳокамадаги янги қонун ҳужжатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан ўз нуқтаи назарини билдира олади. Мурожаатларни рус ва ўзбек тилларида қолдириш мумкин.

Портални яратишда ўндан зиёд илғор хорижий давлатнинг тажрибасидан фойдаланилган.

**Ўз ахборотимиз.**

**YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA**

## ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ КЛУБИ

Истеъдод нимадан қувват олади? Ҳайратдан, ҳаваслан, табиатга, одамларга, борлиққа меҳрдан илҳомланади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган «Зулфияхоним қизлари» клуби ўз атрофига адабиётга меҳри баланд, истеъдодли ёш шоира қизларни бирлаштиришдек мақсадларни кўзлаши билан диққатга сазовор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Зулфияхоним қизлари" клуби ташкил этилиши юзасидан таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унга адиб ва шоирлар, олимлар, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибалари, ёш ижодкор қизлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Саййид ва бошқалар ёшларнинг истеъдодини қўллаб-қувватлаш, миллий адабиётимизни равнақ топтириш, улғайиб келаётган авлоднинг китобхонлик маданиятини тобора юксалтириш масаласи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан маънавий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади. Бу йўналишда, айниқса, иқтидорли қизларни камолга етказиш, улар сафини кенгайтириш, ижодкор қизларнинг изланиши, ўз қобилиятини намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга муттасил эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, истеъдодли ёш ижодкорларни тизимли асосда тарбиялашнинг янги истиқболларини очмоқда.

*(Давоми 2-саҳифада)*

## СИРДАРЁЛИК ЁШЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ — БИБЛИОБУС ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашига Президентимиз совғаси — библиобус, яъни кутубхона шаклидаги махсус автотранспорт воситаси калити тантанали равишда топширилди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юксак салоҳиятли инсонлар этиб улғайтиришда китобнинг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вилоятда узоқ қишлоқлар ёшларининг китобга эҳтиёжини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Китобларни ташиш ва сақлашга мўлжалланган мазкур транспорт воситаси жавонларида 2 мингдан ортиқ китоб жойлаштирилган.

— Давлатимиз раҳбарининг биз, сирдарёлик ёшларга тақдим этган бу ноёб совғаси чекка ҳудудларда яшайдиган аҳоли, айниқса, ёшларни миллий ва жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналаридан баҳраманд этиш имкониятини яратади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Ш.Зайниддинов. — Библиобус борадиган ҳар бир қишлоқда ёшлар шоир ва ёзувчилар билан учрашади, адабий кечалар ташкил этилади.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Мирзаев сўзга чиқди.

**А.ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**TAQDIMOT**

## ҲОЗИРЛАН, БИР ШИДДАТ, ШАҲД КЕЛАЁТИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги янги нашр — "Дугоналар" журналининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда мутасадди ташкилотлар вакиллари, шоиру ёзувчилар, жамиятда кўзга кўринган фаол ва фахрий аёллар иштирок этди.

— "Дугоналар" хотин-қизларимиз ҳаётида ижобий бурилиш ясашига умид боғладик, — дейди Ўзбекистон халқ шоири, журнал бош муҳаррири Ҳалима Худойбердиева. — Келгусида у ҳар бир қиз ва она, ҳатто момоларнинг севиб, бир-биридан қизғаниб, бош кўтармай ўқийдиган нашри бўлиши учун астойдил ҳаракат бошладик.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2017 йил 5 июлда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони ёшлар ҳаётида муҳим воқелик касб этди. Унга биноан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш ишлари янги босқичга кўтарилмоқда. "Дугоналар"нинг таъсис этилиши бунга ёрқин мисолдир.

Тақдимот маросимида мақолалари журналнинг нишона сонида эълон қилинган муаллифлар махсус ташаккурномалар билан тақдирланди. Хонандаларнинг жонли ижродаги хониши йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

**Н.НУРИЛЛАЕВА**

**ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯЧИЛАР БОЛА ҚАЛБИНИ ЖАРОҲАТЛАЙДИ** 3

**ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР** 4

TAJRIBA

# ЕЧИМИ КУТТИРИБ ҚЎЙМАДИ

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

**Самарқандда 15 апрелдан 15 майга қадар "Вилоятни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш ойлиги" ўтказилмоқда**

Шу муносабат билан Ёшлар иттифоқи томонидан ишчи гуруҳлари тузилган. Улар барча туман ва шаҳарда хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг муаммоларини ўрганяпти. Кўпгина масалалар жойида ҳал этилмоқда.

Масалан, "Тошча" маҳалласида яшаётган аксарият фуқаролар ер-кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда қийналаётганидан шикоят қилди. Ишчи гуруҳи аъзолари дарҳол масъул идора вакилларини чақириб, одамларнинг мушкули осон бўлишига кўмаклашди.

"Бешбола" маҳалласи аҳли эса, анчадан буён тоза ичимлик суви танқислигидан қийналаётган экан. Бу муаммога ҳам тезда чора топилди.

"Зарафшон" маҳалласида ташкил этилган давра суҳбати давомида маҳаллий халқ болалар учун спорт майдончасини қуриб беришни сўради. Мазкур объект туман ҳокимлигининг режасига киритилди.

Ўрганиш ишлари якунлангач, Жомбой марказидаги истироҳат боғида концерт дастури намойиш этилди. Шўх куй-тароналар, саҳна чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шу куни туманда "Китоб дунёси" маърифий маркази ҳам очилди. Дўконда "Ёшлар иттифоқи бурчаги" ташкил қилинган бўлиб, ундан ташкилот фаолияти билан боғлиқ турли маълумотлар жой олган.

O'RNAK OL!

Отахон НАФУЛЛАЕВ

# ИТТИФОҚ ХОДИМИНИНГ ТЎЙИ ихчам ўтди

Ш.КАРРИЕВ

**Алижон ака ва Моможон ая ўғлининг тўйини камчиқим қилиб ўтказишни ният қилди. Бунга қудалар ҳам бажонидил рози бўлди.**

Шундай қилиб, икки ёшнинг никоҳ оқшоми Урганч шаҳридаги "Ёшлик" тўйхонасида дабдабасиз, жуда файзли ўтди. Тўйга келин ва куёвнинг қариндошу маҳалладошлари, устозлари ва дўстлари — жами 150 нафар киши чақирилди. Дастурхондаги ноз-неъматлар ҳам меъёрдан ошмади. Исрофгарчиликка йўл қўйилмади.

— Куёв — Жалолиддин Шарипов Ёшлар иттифоқида ишлайди. У тўйини камхарж ўтказиб, тенгдошларига ўрнак кўрсатди, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Маткарим Жуманиёзов. — Биз, кексалар давлатнинг чақириғига лаббай, деб жавоб берган бундай ёшлардан фахрланамиз.

Янги оила соҳиблари келгусида илмий иш қилиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқчи. Шунингдек, тўйдан тежаб қолинган маблағга улар рўзғор учун керакли маиший техника воситалари, мебель жиҳозлари ҳамда компьютер жамланмасини харид қилишни режалаштирган.

FORUM

# ТАКЛИФ ЁШЛАРДАН ЧИҚҚАНДИ

Дилкушо НАВРЎЗОВА

Иттифоқнинг вилоят кенгаши мазкур ташаббусга эътиборсиз қолмади. Куни кеча ҳудудда "Корхона ва ташкилотларда ёшлар етакчисининг ўрни" мавзуида етакчилар форуми ташкил этилди. Унда Навоий шаҳридан сараланган 50 нафар тенгдошимиз қатнашди. Улар мутахассислардан ёшлар билан ишлаш масаласига доир зарур тавсия ва кўникмалар олди.

Кун якунида эса, форум иштирокчилари "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилот фаолияти билан яқиндан танишди.

**Март ойида Навоий вилоятида ўтказилган Ёшлар ҳафталиги доирасида Иттифоқнинг меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари ўзаро тажриба алмашиши ва янги ғоялари билан ўртоқлашиши учун семинар-тренинг ўтказиш таклифи берилганди.**

AKS-SADO

# ОРЗУДАГИ КУНЛАРГА ЕТДИК

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ

**"Ахборот" бошланиб кетмасин!". Қулоғимга ишонмай, овоз келган томонга қарадим. Рўпарамда онам менга умидвор нигоҳини қадаб турарди. Ажабланиб қараганимни кўргач: "Отанг яна телевизор кўришга қўймадиларинг, деб гапириб юрмасин", — деди ўзини оқламоқчи бўлиб. Ҳеч нарсага тушунмай отамга юзландим. У киши маъноли боқиб, ниманидир сўзсиз тушунтирмоқчи бўлди. Илғай олмадим. Орага жимлик чўкди.**

Телевизор бошқа каналга олинди. Диққат билан "Ахборот"ни кузатдик. Онам жимгина зангори экран қаршисига ўтирди. Сўнг индамай ўрнидан туриб, қўшни хонага кириб кетди.

— Онанг виза бекор бўлишини кутаяпти, — деди дадам паст овозда.

Шундан сўнг кўрсатув сўнгида об-ҳаво маълумотидан бошқасига қизиқмайдиган онам нима учун "Ахборот"ни томоша қилганини ҳам, кейинги кунларда доим нимагадир илҳақ бўлиб юрганини ҳам тушундим.

* * *

Бобом ўсмирлик чоғида оиласи қулоқ қилиниб, Бойсундан Тожикистоннинг Қабодиён туманига кўчирилади. Бобом ўша ерда улғайди. Оила қурди. Фарзандларининг барчаси: онам, тоғам ва холаларим Қабодиёнда туғилиб, вояга етган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида онам отамакон — Ўзбекистонга келин бўлиб тушади. Ниҳоят, тўқсонинчи йиллардаги ҳурриятнинг шамоли бобомни киндик қони томган тупроқ — Бойсунга етаклайди...

* * *

Қабодиён, Кофирнихон дарёси. Онам бу номларни эшитиши билан ҳушёр тортади. Юраги орзиқиб, беғубор болалик чоғлари ёдга тушади. Буни у кишининг юз-кўзидан илғаб оламан. Волидам Кофирнихондан тутилган балиқларни, қумга кўмилиб, қишгача сақланган анорларни кўп эслайди. Тағин ўша хокисор ва синиқ нигоҳини ерга қадаб, умидвор овозда: "Яна бир марта бориш насиб этармикан?" — дейди.

Ўзимча онамни туғилган юртига, ўша ёқда яшаб қолган холамнинг уйига юбормоқчи бўламан. Аммо... аввал биз холамга онамнинг бормоқчи экани ҳақида хабар беришимиз керак. Сўнг у телеграмма юборади. Тағин виза дахмазаси. Қўшни мамлакатга ўтгач ҳам ҳужжатларни қўлтиқлаб идорама-идора юриш керак. Ўйлаб юрагим эзиларди...

Энди эса, онамнинг ва у каби минглаб инсонларнинг орзуси рўёбга чиқадиган кун тобора яқинлашиб келаётган эди. Волидам бундан чексиз қувонар, аммо қандайдир сабаб билан умиди пучга чиқишидан чўчигандек, туйғуларни ошкор қилишни истамасди. Ишдан келганимда: "Нима янгиликлар бор?" — деб сўрарди. Тағин жимгина "Ахборот"ни кузатарди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар етиб келди. Президентимиз жорий йилнинг 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Тожикистонда бўлди. Икки қардош халқ бу воқеани телеэкран орқали зўр қизиқиш ила кузатиб борди. Онамнинг ўшандаги ҳолатини сўз билан ифодалай олмайман...

Хуллас, тоғам ва онам Қабодиёнга бориб келди. Онам меҳмондорчилик таассуротларини сўзлаяпти-ю, салкам йигирма йил деганда хонадонига меҳмон бўлиб борган жигарларини кўрган ҳолам кўз олдимдан кетмайди. Ёши саксонга бориб қолган, ука-сингилларидан олисда яшаётган холамнинг ҳолатини тасаввур этаман. Қабодиёнлик бўламнинг онамга қараб: "Кўзимга ишонмаяпман, хола! Ростдан келдиларингизми? Дийдор кўришар кун ҳам бор экан-а?!!" — деган ҳайқириғи қулоғимда янграйди. Онам сафари ҳақида шуларни ҳикоя қилар экан гап орасида:

— Отамнинг ҳовлисига бордим, — деди ва овози титраб кетди. — Харобага ўхшаб...

Волидам бошқа сўз айта олмади. Бир муддат сукут чўкди. Бироз ўзига келгач, тожикистонлик қариндошлар Президентимизни алқаб, раҳмат айтаётгани ҳақида сўзлади. Қўшни давлатдаги масжидларда ҳам Юртбошимизга омонлик тилаб дуо қилинаётган экан.

Шулар ҳақида эшитиб, ташқи сиёсатимизда қўшни мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини тиклашга бежиз устувор аҳамият қаратилмаётгани, бунинг натижаси ўлароқ, онам, холам каби оддий инсонлар ҳаётида янги саҳифа очилаётганини теран ҳис қилдим.

# ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ КЛУБИ

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

Мазкур ҳужжатнинг тегишли бандига кўра уюшма қошида "Зулфияхоним қизлари" клуби ташкил этилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган "Зулфияхоним қизлари" ижод клубининг фаолияти аносида элимизнинг севимли шоираси, жамоат арбоби Зулфияхонимнинг бой ижоди ва ибратли ҳаёт йўлини янада чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилишдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

— Истеъдодли қизлар қалбида ватанпарварлик, юртга фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларнинг жамият, халқ, Ватан олдидаги масъулиятини ошириш, фаол ижтимоий ҳаётга тайёрлаб бориш, ижтимоий фаол ва истеъдодли қизларнинг маҳорат даражасини мунтазам ошириб боришда мазкур клубнинг аҳамияти ўзига хос бўлиши шубҳасиз, — дейди Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси, таниқли шоира Мунаввара Усмонова. — Айни пайтда тажрибали устозларни жалб қилган ҳолда «устоз-шогирд» анъанасини йўлга қўйиш, ижтимоий ва ижодий кўмак, эътиборга муҳтож бўлган истеъдодли қизларни клуб аъзолари ёрдамида руҳлантириш каби бир қатор мақсадлар кўзланган.

— Юртимизда йилт этган истеъдод соҳиби борки, бари давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ўз фаолияти, ижодида мунтазам ҳис этмоқда, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Меҳриноз Аббосова. — Ушбу клубнинг ташкил этилиши ҳам ижодкор қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илҳомига илҳом қўшишда муҳим аҳамият касб этади.

Клуб ташкилий ва ижодий йиғилишлар, шунингдек, ижодий уюшма, бирлашма, таҳририят ходимлари ва таниқли ижодкорлар билан суҳбат, мулоқотлар уюштиради. Унга аъзо ижодкорларнинг энг сара асарларини уюшма муассислигидаги ва хотин-қизларга мўлжалланган нашрларда чоп этиш учун тавсия қилади. Шу билан бирга, турли ижодий танловлар ўтказиш, клуб аъзоларининг тўпламларини, баёзларини нашрга тайёрлаш, уларнинг турли адабий телекўрсатувлар, ижодий учрашув ва мушоираларда фаол қатнашишини таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Мазкур ижодий тузилма томонидан атоқли адиблар ижоди ва фаолиятига бағишланган кечалар, шунингдек, адабий-маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган янги китоблар таҳлилига бағишланган турли тадбирлар ўтказилиши, мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарлар уюштириш ҳам режалаштирилган.

Шу билан бирга, жойларда ташкил этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Ибрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаблари ҳамда Тошкент шаҳридаги филологияга ихтисослашган умумтаълим мактаби билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам белгиланмоқда.

«Зулфияхоним қизлари» клубига 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод этиб тавсия этилган ҳамда бошқа ижодкор қизлар аъзо қилинади.

Йиғилишда иштирокчиларнинг "Зулфияхоним қизлари" клуби юзасидан таклифлари атрофлича муҳокама этилди. Унинг келгусидаги фаолиятига оид режалар белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири

QOYIL!

# ТАДБИРКОР БОҒ ЯРАТДИ

Қумар БЕГНИЯЗОВА

**Хўжайли туманида истиқомат қилувчи Давлатназар Қобилов ташландиқ жой ўрнида "Турон" маданият ва истироҳат боғини барпо этди.**

У ерга хориждан ўнта замонавий аттракцион олиб келиниб, ўрнатилди. Ёш тадбиркор бунинг учун 3 миллиард 800 миллион сўм кредит маблағини йўналтириб, 25 нафар тенгдошини иш билан таъминлади.

— Ушбу кўнгилочар масканнинг фаолиятини йўлга қўйишдан аввал Япония ва Хитой тажрибасини ўргандим, — дейди Д.Қобилов. — Аттракционларимиз турли ёшдаги инсонлар учун мўлжалланган. Бундан ташқари, кексаларнинг дам олиши учун ҳам махсус жой қилдик. Бундай қулайликлар барчага манзур бўлади деган умиддаман.

SAYOHAT

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

# ХЎЖАКЕНТДАН БОҒИСТОНГАЧА

**Ёшлар иттифоқининг Тошкент вилояти кенгаши қошидаги Ёшлар туризми маркази 80 нафар ўқувчи учун Бўстонлиқ туманига экосаёҳат ташкил қилди.**

Саёҳат давомида маҳаллий ёшлар ҳудуднинг сўлим гўшаларию кўҳна ёдгорликларини томоша қилди. Улар Хўжакент, Сижжак, Нанай, Боғистон қишлоқларида ҳам бўлиб, бу ерлардаги осор-атиқалар билан танишди. Шифобахш Наволи сой, пурвиқор шаршаралар, олти асрлик чинор саёҳатчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Дилноза АБДУҲАМИДОВА

# ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯЧИЛАР *бола қалбини жароҳатлайди*

**Ривоят қилишларича, бир одам дўзахда бошқаларга қараганда кучлироқ ёнаётган икки кишини кўриб ҳайратланибди ва Аллоҳи мукаррамдан сўрабди: "Ё қодир эгам, ўзинг кечиргувчи ҳамда меҳрибонсан. Не сабабдин бу икки гуноҳкор банданг бошқалардан кўра кучлироқ азобга гирифтор бўлмиш, улар кимлар?!".**

Тангри дебди: "Улардан бири ўз ор-номуси ва иффатини оёқости қилиб, нопок йўлдан кетган аёл, иккинчиси эса, ўқитувчи". Бояги одам таажжубланиб: "Аллоҳим, у аёлнинг бундай жазога тортилганини тушуниш мумкиндир, аммо нега ўқитувчини жазоламоқдасан?" — дебди.

Шундай жавоб келибди: "Гуноҳкорларнинг кўпайишида ўқитувчи ҳам айбдор, зотан, унинг хатолари меваси ана шу аёлдир".

Бу ривоятни эшитиб, болалигимда рўй берган бир нохуш воқеа кўз олдимда бот-бот гавдаланди-ю, қалбимдаги ўша эски дард исён кўтаради.

Ўн ёшимда олис қишлоқдан шаҳарга кўчиб келдик. Қишнинг совуқ кунлари эди. Янги мактаб, янги синф, янги ўқувчилар... Барчасига кўникиб кетдим. Синф раҳбаримиз таътилга чиққач, ўрнига бошқа муаллим тайинланди.

Барча фанлардан аъло баҳо олардим. Менда бошқа ўртоқларимга ўхшаб мактаб ошхонасидан егулик олиб, мақтаниш одати йўқ эди. Баъзан шундай қилгим келарди-ю, аммо оиладаги етишмовчилик йўл қўймасди.

Бир куни мактабга кетаётганимда бобожоним нафақасидан қолган 25 сўмни кўрпача қатидан олиб, менга узатди ва мактабдан у-бу нарса олиб, ейишимни тайинлади. Катта танаффусда ўзимча синфдошларимни меҳмон қилдим. Бу уларга илк бор мақтанишим эди. Бироқ эртаси куни...

Ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканган. Синфга кирдим-у ўқитувчимга берган саломим аликсиз қолганидан ҳайратландим. Синфдошларим ҳам мени кўриши билан дарров пичирлашга тушди, партадошим эса, секингина орқага ўтиб ўтирди. Бир пайт хонага 1-синфда ўқийдиган синглим йиғлаб кирди. Унинг ортида синф раҳбари ва синфдошим Маҳлиё турарди. Ҳеч нарсага тушунмаётганимни кўриб, ўқитувчим гап бошлади. "Ҳа, ўғрининг синглиси, келдингми?! Нима, ота-онанг сенларни боқолмай, ўғриликка ўргатдими?! Ўйга бориб, гапларимни етказ!". Бирдан йиғлаб юбордим. Бўғзимга бир нима тиқилиб, базўр: "Мен ўғри эмасман", — дея олдим, холос.

— Ҳой, Зарифахон, қизиқмисиз, қанча пулингиз йўқолди ўзи? Ахир, булар мактабнинг энг олди ўқувчилари-ку.

— Йўқ, Муборак опа, хонани ювдириш учун йиққан пулимдан 150 сўм кам чиқаяпти. Болалар айтди, кеча мана бу қиз мактаб ошхонасидан кўпгина нарса олиб, улар билан бўлишганмиш. Ҳеч қачон пули бўлмаган одам қаердан олиб беради?

— Қўйинг, Зарифахон. Болалар гапираверади. Кўзингиз билан кўрган бўлсангиз ҳам майли экан. Қаранг, у ёқ-бу ёққа қўйгандирсиз ...

Пулни бобом берганини айтсам ҳам, ҳеч ким ишонмади. Дарс тугаши билан ўқитувчим бир-икки синфдошимни олиб уйимизга келди. Бобом пулни ўзи берганини тасдиқлади. Лекин ўқитувчим барибир ишонмади. Бу ҳолдан жаҳли чиққан дадам: "Мен фарзандларимга шу пайтгача ҳалол луқма едирганман. Уларнинг бундай иш қилмаслигига ишонаман", — деди.

Ўқитувчимнинг "яхшилиги" туфайли биронта ҳам синфдошим мен билан бир партада ўтирмас, ҳаттоки гаплашмас эди. Болалар мени "ўғри" деб аташи юрагимга ханжардек ботарди. Шу сабаб ҳеч кимга қўшилмайдиган, ҳеч қайси фандан жавоб бермайдиган, мактабга жим бориб, жим келадиган ўқувчига айландим.

Ҳаш-паш дегунча 5-синфга ҳам ўтдик. Бизга янги синф раҳбари бўлган Умида Мирзаеванинг дарсларида сеҳрли оламга тушиб қолгандек бўлардим. Анчадан бери мени кузатиб юрган устозим бир куни ёнига чақириб, хомушлигимнинг сабабини сўради. Бор гапни айтиб бердим. Жимгина тинглаб турди-да: "Синфдошларинг атрофингда гирдикапалак бўлишини хоҳлайсанми? Унда айтганларимни бажар", — деди. Ҳар куни дарсдан сўнг устозимнинг олдига бориб она тили ва адабиёти фанларидан тайёргарлик кўра бошладим. Фан олимпиадалари, турли танловларда фаол иштирок этдим. Муваффақиятларим сабаб синфдошларим билан аҳил-иноқ бўлиб кетдим. 30 нафар ўғил-қиздан атиги икки киши олий маълумотли бўлдик. Улардан бири эканим менга ғурур бағишлайди. Ҳаётимда шундай устозга дуч келганимга шукр қиламан.

Ҳар қандай боланинг тўғри тарбия олиши, аввало, оилага боғлиқ. Лекин бу жараёнда ўқитувчининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Орамизда шу мукаррам номга номуносиб кимсаларнинг борлиги ачинарли ҳол.

TASHABBUS

Элдор НАВРЎЗОВ

**Ёшлар иттифоқининг Ғаллаорол тумани кенгаши "Бахт" маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Фозилжон Ҳазратқуловга мурувват кўрсатди. Ташкилот унга янги аравача совға қилди. Бундай хайрли ташаббус оиланинг барча аъзоларига қувонч улашди.**

# АРЗИМАСДЕК ТУЮЛСА ҲАМ, КАТТА ИШ

— Шодлигимнинг чеки йўқ, — дейди Фозилжоннинг онаси Ҳосият Мирзаева. — Энди ўғлим бемалол ҳаракатлана олади. Маҳалла-кўйга қўшилиб, дўстлари билан учрашиши мумкин. Савобли ишингиз учун катта раҳмат!

Ёшлар иттифоқи Хатча қишлоғида истиқомат қилувчи жисмоний имконияти чекланган яна бир тенгдошимизга ҳам амалий ёрдам берди. Ҳилола Арзиқуловага замонавий тикув машинаси ҳадя этилди. Энди у тадбиркорлик фаолиятини уй шароитида йўлга қўйган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш имконига эга.

# ФАОЛЛИК РАҒБАТСИЗ ҚОЛМАС

Акмал РАҲМОНОВ

**Муборак туманидаги "Ғазчилар" саноат саройида ёшлар форуми ўтказилди.**

Фаол йигит-қизларни рағбатлантиришни мақсад қилган лойиҳа Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ва прокуратура органи ҳамкорлигида амалга оширилди. Тақдирлаш маросимида Иттифоқнинг вилоят кенгаши вакиллари, туман мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари, ёшлар иштирок этди.

Ўтган уч ой мобайнида ёшлар ташкилоти томонидан ўтказилган танлов ва спорт мусобақаларида ғолиб бўлган, лойиҳаларда фаол қатнашган йигит-қизларга диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди. Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 30 нафар фарзандига эса ўқув қуроллари совға қилинди.

Тадбир дилтортар қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди. Хушовоз хонандалар иштирокидаги концерт барчага хуш кайфият улашди.

BUNYODKORLIK

# БИР ЧАМАН БЎЛСИНКИ...

Малик СИНДОРОВ

**Юртни обод этиб, боғ яратган инсон савобга қолади. Тенгдошларимиз орасида ана шундай савобталаб ёшларнинг борлигидан қувонасан, киши.**

Яқинда Ёшлар иттифоқининг Навоий шаҳри кенгаши бир гуруҳ жонкуяр йигит-қизларни атрофига жамлаб, шаҳардаги қаровсиз ҳудудни гўзал масканга айлантиришга киришди.

Ҳашарга етакчи ва сардорлар бел боғлаган. Улар яхши ният билан "Маърифат боғи"ни барпо этмоқда. Режага кўра, келгусида мазкур файзли гўшада кутубхона, мўъжаз фаввора қурилиб, бадиий чиқишлар учун махсус саҳна ҳам ўрнатилади. Атроф эса, манзарали дарахту гулларга бурканади.

Бунёдкорлик ишларида ёшларга шаҳар ҳокимлиги яқиндан кўмак бермоқда.

QILMISH-QIDIRMISH

Д.АТАМУРАТОВ, Навоий вилоят суди раиси,
Л.САТТОРОВА, журналист

# БАРОРИДАН КЕЛМАГАН "ОВ"

**Халқимизда "Онангни қози урса, додингни кимга айтасан", деган гап бор. Ростдан ҳам моддий маблағ эвазига ҳуқуқ ҳимоячилари қонунни бузиши, адолат тимсоли судьялар ноҳақ қарор чиқаришидан ёмони йўқ. Порахўрлик иллатига дучор бўлган кишилар бир кун келиб жазосини олишига қуйидаги воқеа ҳам яққол исботдир.**

"Вобкентсантехстрой" масъулияти чекланган жамияти қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича танловларда ғолиб бўлиб, қатор бунёдкорлик ишларини бекаму кўст амалга оширди. Бироқ Қоровулбозор туманидаги "Зумрад" мактабгача таълим муассасасини таъмирлашга келганда ташкилот раҳбарияти товламачиликка йўл қўйди. Натижада қонунни бузган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунга кўра, "Вобкентсантехстрой" МЧЖ раҳбари Ёзил Азимовга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси етакчи мутахассиси Алишер Шариповга эса, 150 баравари миқдорида жарима ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 45-моддасига асосан жазо чораси тайинланди.

Судланувчилар жиноий иш юзасидан Бухоро шаҳридаги "Фемида-Фортуна" адвокатлик бюроси вакили Умрзоқ Тўхтаевни ҳимоячи сифатида ёллайди. Адвокатдан жаримани камайтириш ва жазо қўлланмаслиги чорасини кўришни сўрайди.

Маълум фурсат ўтгач, Умрзоқ Тўхтаев Қоровулбозор тумани суди раиси Илҳом Шомуротов билан ишни "пишиттгани"ни айтиб, судланувчиларнинг ҳар биридан 1 минг 500 АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилади. Бунча маблағни тополмаган айбдорлар бўлган воқеа тўғрисида тегишли давлат идораларига хабар беради.

Судья Илҳом Шомуротов Ёзил Азимовга етказилган зарарни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари, Алишер Шариповга — 70 баравари миқдорида жарима қўлланилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 45-моддасида кўрсатилган қўшимча жазо олиб ташланиши ҳақида қарор чиқарди. Хамирдан қил суғургандек ишни битирдим, деб ўйлаган амалдорнинг қилмиши тез орада фош бўлди. Пора олгани, лавозимини суиистеъмол қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилди. Мўмайгина даромад илинжида воситачиликка қўл урган Умрзоқ Тўхтаев ҳам муқаррар жазодан қутулиб қололмади.

Ўз манфаатини давлат ва жамият манфаатидан устун қўйиб, пора эвазига қонунни четлаб ўтиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

# АМАЛИЙ ТУШУНТИРГАН БОШҚА

PROFILAKTIKA

Рамзиддин АЛАУДИНОВ, Фарғона вилояти ЁХБ бошлиғи, подполковник,
Фарҳоджон ХЎЖАЕВ, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси, катта лейтенант

**Халқимизда қалтис ишга қўл урган кишига "Олов билан ўйнашма", дейилади. Ўт балоси нечоғлиқ хавфли эканини шундан ҳам билиш мумкин. Ўз навбатида ёнғин хафсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини ошириш айни муддао.**

Шу мақсадда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муассасалар ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик иштирокида тарғибот тадбирлари, учрашув ва ўқув-амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Навбатдагиси Марғилон шаҳридаги "Буюк Марғилон" масъулияти чекланган жамиятига қарашли савдо марказида ҳамда "Фарғоназот" акциядорлик жамиятига қарашли соғломлаштириш диагностика марказида ташкил этилди. Фуқароларга ёнғинни келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар, бундай вазиятда инсон ўзини қандай тутиши кераклиги тўғрисида тушунча берилди.

Шу билан бирга, Қўқон ва Марғилондаги бир қатор касб-ҳунар коллежларида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўқувчиларга Россия Федерациясининг Кемерово вилоятидаги савдо ва кўнгилочар марказида содир бўлган ёнғин тафсилотларига бағишланган видеоролик намойиш этилди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

# "THE FINANCIAL TIMES" ТИЛИДАМИЗ

Британиянинг "The Financial Times" газетаси мамлакатимиз иқтисодий истиқболига бағишланган ахборот материалини чоп этди. Унда Лондонда бўлиб ўтган Ўзбекистон энергетика форуми тафсилотлари ёритилган.

Нашр Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги йирик истеъмол бозорига эга тараққий этаётган давлат деб таърифлайди. Бугунги кунда республика тадбиркору сармоядорларга янги имкониятлар тақдим этиб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан дунёга юз очаётгани ҳам таъкидланади.

"Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш кузатиляпти (2017 йилда 5,3 фоиз). Жуда катта қамровдаги ислоҳотлар иқтисодиётни ўзгартирмоқда. Ўтган йилнинг кузида валюта бозорининг либераллаштирилгани мамлакатга сармояларни жалб этиш йўлидаги ўта муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон Жаҳон банкининг жорий йилги "Бизнес юритишдаги қулай шароитлар" ҳисоботида энг йирик ислоҳотчи мамлакатлар ўнталигидан жой олди", — деб ёзади "The Financial Times".

Материалда Ўзбекистон ва Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар мавзуси ҳам қамраб олиниб, изчил ривожланиб бораётган икки томонлама ишбилармонлик алоқалари ҳар икки томон учун устувор аҳамият касб этиши айтилади.

# "КЕНГАШ"ГА ЧИҚДИК

Афғонистонда чоп этиладиган "Кенгаш" газетасида "Бобур комил инсон эди" ва "Алишер Навоийнинг усмонли турк шоирларига таъсири" сарлавҳали мақолалар эълон қилинди.

Биринчи мақола муаллифлари буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илму заковати, ижоди ва ҳаётий кечинмалари ҳақида атрофлича сўз юритиб, унинг Осиё тамаддунига улкан таъсир ўтказган шахс эканини қайд этади.

Журналистлар Бобур ҳаёти бўйича изланишлар олиб борган инглиз тадқиқотчиси Вильям Эрскеннинг ҳам фикрларига мурожаат қилган. "Олимнинг таъкидлашича, — деб ёзади "Кенгаш", — илму тафаккур бобида осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч бири Бобурга тенг кела олмайди. Шунинг учун ҳам Жавоҳарлаъл Неру уни "дилбар шахс" деб атаган".

Иккинчи мақолада Алишер Навоий бобомиз Анадўли шоирларигагина эмас, балки бошқа туркий ҳалқлар ижодкорларига ҳам катта таъсир кўрсатгани ҳақида ёзилади. Ҳатто XVI аср умумтурк оламида "Навоий асри" бўлди дейиш муболаға эмас.

# ИТАЛИЯЛИКЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШИ ЧАККИ ЭМАС

Неаполь шаҳрида халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўртаер денгизи минтақасида нуфузи юқори саналувчи ушбу тадбирда қарийб 500 экспонент, салкам 20 минг малакали мутахассис ва меҳмон иштирок этди. Ўзбекистон сайёҳлик саноати субъектлари ҳам шулар жумласидан.

Вакилларимиз италиялик ҳамкорлар билан музокаралар олиб борди. Мулоқот чоғида Кампания минтақасида юртимиз сармоявий ва экспорт имкониятлари тақдимотини ўтказиш ҳамда Италиядан ишбилармон делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон билан жорий йилдан ҳамкорлик қиляпмиз, — дейди "Go4Sea" сайёҳлик компанияси раҳбари Алессандро Сантелия. — У компаниямиз учун "биринчи рақамли" йўналиш бўлиб қолишига умид қиламан. Сабаби юртингиз бой тарих, маданий мерос ҳамда пазандачилик анъаналарига эга. Қолаверса, шаҳарларимиз ўртасида учта тўғридан-тўғри ҳаво қатнови йўлга қўйилган. Бу, шубҳасиз, сайёҳлар алмашинувида қўл келмоқда.

Эслатиш керак, Италиянинг "Travel Quartidinalo" журнали, "Cronache di Napoli" минтақавий газетаси ва бошқа маҳаллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик ярмаркасидаги иштироки, шунингдек, мамлакатимиз бой сайёҳлик салоҳиятига доир қатор хабар ва мақолалар эълон қилинган.

**"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.**

BUGUNNING GAPI

# ЎРГАНИШ ВА ЎЗГАРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Улуғбек ОРИПОВ

**Ўтган йили куз илиқ келди. Ёғингарчилик ҳам кўп бўлмади. Хуллас, қишлоғимизда ҳамма тўй қилишга тушди. Тўйхоналар сира тин олгани йўқ. Сабри етмаганлар тарақа-туруқ қилиб ҳовлисида ҳам тўй ўтказаверди...**

### Турдибойнинг бир куни

Бутун оламда ундан-да боқибеғам инсон топилмаса керак. Тўйлар мавсуми бошланди-ю, таклифномалар дўлдай ёғилди. Ҳали у қишлоқда шодиёна, ҳали бу қишлоқда. Бир жойда ёлчитиб ишламайдиган Турдибойга бу мойдек ёқиб тушди. Эрталабдан наҳорги ошга югуради. Тушга яқин аранг оёғини судраб келиб, кечгача илондай чўзилиб ётади. Кечқурун яна "базм". Ярим кечада сархуш, уйини зўрға топиб келади...

Турдибой яшайдиган Янгиработ қишлоғи унчалик катта эмас. Иш жойлари етмайди. Унумдор ерлар ҳам оз. Одамлар катта шаҳарларда, ҳатто хорижга бориб ишлаб келади. Аммо тўй қилишга келганда, янгиработликларнинг олдига тушадигани йўқ. Топганини дабдабага совурса совурадики, аммо тадбиркорлик қилиб, бошқаларга наф келтирай демайди. Мактаб ва қишлоқ кутубхоналарининг эса, анчадан буён "ҳолига маймунлар йиғламоқда".

### Деҳқон қирқ кун зиёфат беряпти-я!

Илгари наҳорги ош дастурхони камтарона ёзиларди. Ҳозир эса, мутлақо бошқача манзара. Эртакларда подшоларнинг қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бергани ҳақида ўқиганмиз. Не замонки, ҳозир оддий одамлар ҳам бу масалада шоҳлардан қолишаётгани йўқ.

— Яқинда кичик ўғлимни уйлантирдим, — дейди қашқадарёлик соҳибкор-боғбон Рустам Мусурмонов.— Дастлаб "нон синдирди"ни ўтказдик. Карнай-сурнай, ўйин-кулги авжида бўлиб, катта тўйдан қолишмади. Бироздан сўнг "кичик тўй" берилиб, қуда томонга сандиқларда (уларни тўлдириш машаққатини айтмай қўяқолай!) кийимлик ва ҳоказоларни жўнатдик. Яна катта зиёфат бўлди. Никоҳ кечасини-ку ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ундан сўнг, "юз очди", "куёв чақирди", "жой йиғди" маросимлари — ҳар бири ўзгача базм. Чамалаб кўрсам, тўй деганлари ҳам барча расм-русумлари билан қирқ кунга чўзилди.

### Тўйга пул бор, ўқиш эса, кутиб турсин

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлиб ҳайратда қолдим. Қўшнимиз дабдаба билан уйланди. Орадан кўп ўтмай, укаси тўлов-шартнома асосида олий ўқув юртига кирди. Аммо ўқимади. Контракт тўлашга оиланинг қурби етмасмиш. Ўйлаб қолдим: бир тўйга камида йигирма-йигирма беш миллион сарфлаймиз. Баъзи олийгоҳларда бу пулга бир эмас, бир неча йил таълим олса бўлади. Бироқ билим олиш учун сармоя киритишга негадир кўзимиз қиймайди...

### Изғирин ҳам чўт эмас

Иш юзасидан туман марказига кетаётгандим. Январь ойи, ташқари аёз. Одамлар қалин кийинган. Бир пайт усти очиқ хориж машинасида келин-куёв ўтиб кетди. Этим жунжикди. Наҳотки, изғиринда шундай "сайр"ларнинг мавриди бўлса?! Э, йилдан-йилга кўпайиб бораётган бемаъни орзу-ҳаваслар олдида бу совуқлар нима бўлибди? Бунинг устига қимматбаҳо машина ҳамманинг кўзини қамаштираётган бўлса...

Хуллас, хоҳлаймизми-йўқми, тўй-ҳашамлардаги дабдабаю исрофгарчиликлар ҳамон жамиятимиз учун оғриқли масала бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда ҳар қанча гапирмайлик, муаммо ечимини топгани йўқ. Юқоридаги ҳолатларни ҳаётдан келтирдик. Хулоса ўзингиздан. Фақат ўзгариш ва ўрганиш вақти келди, чамада. Уйғонайлик, юртдошлар. Акс ҳолда, бошимиз ғавғодан чиқмай қолиши аниқ.

## Ёркин таассуротлар

**Пойтахтимизда Тасвирий ва амалий санъат фестивали ўтказилди**

Т.АЪЗАМОВА

Мазкур йирик лойиҳа доирасида ҳафта давомида турли кўргазма залларида ранг-баранг экспозициялар ташкил этилди. Шу аснода гўзалликка ошно қалблар нафақат юртимиз, балки Латвия, Эрон, Грузия, Ҳиндистон, Хитой, Исроил, Россия, Япония, Италия, Туркия каби ўндан ортиқ давлатлар вакилларининг асарларидан баҳраманд бўлди.

Фестивалда кўпгина ёш ижодкорлар иштирок этгани ҳам эътиборга моликдир. Улар орасидан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, шунингдек, Республика рассомлик ва Республика дизайн коллежлари, Қўқон ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги ихтисослаштирилган таълим масканлари ўқитувчиларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

SIZ NIMA DEYSIZ?

ШОҲИДБЕК

# КЎЧА ЧИҚИНДИХОНА ЭМАС-КУ!

**Шаҳарда дарсим якунланиб, автобусда қишлоққа қайтаётгандим. Аксарият йўловчилар ўзим тенги болалар. Лекин ёши катталар ҳам бор.**

Икки-уч соатлик йўл юришимиз керак. Қош қорайгани учун кўпчиликнинг қорни очган. Баъзилар бироз тамадди қилиб олиш ниятида сумкасидан бир нималар чиқариб ея бошлади. Кимдир писта чақишга тушди. Эҳ, ҳайдовчига ҳам қийин. Ахир, бир кунда автобусга қанчадан-қанча одам чиқиб-тушади. Уларнинг ақл-идроки, маънавий савияси ҳар хил. Фаҳмига борганлар майда-чуйда егуликлардан ҳосил бўлган чиқиндиларни эҳтиёткорлик билан пакетга солиб, бир чеккага олиб қўймоқда. Тушгандан кейин бекат ёки йўл четидаги махсус идишларга ташлаб кетади-да.

Лекин, афсуски, ҳамма бирдай фаросатли эмас. Ўша автобус йўловчилари орасида ҳам беандишалар учради. Масалан, ёнимда ўтирган йигит билан қиз ўзаро суҳбатлашган кўйи писта чақиб кетарди. Иккиси ҳам қўлидаги бир ҳовуч-бир ҳовуч писта пўчоқларини сездирмайгина автобус ойнасидан улоқтириб юбориши ғашимни келтирди. Бошида гап билан бўлиб, эътиборсизлик қилгандир, деб ўйладим. Бироқ мазкур ҳолат такрорлангач, чидаб туролмай, танбеҳ беришга мажбур бўлдим:

— Бу нима қилганингиз, ҳаммаёқни ифлос қилиб келяпсиз, ахир, ортингиздан ким йиғиштиради?! Устига устак, шамол кўтарилган бўлса. Бунақада писта пўчоқларингиз ҳаммаёққа тарқаб, кўчалар, йўл-йўлаклар, сув ҳавзаларини ифлослантиради-ку! Турли касалликларнинг келиб чиқиши ана шундан. Экологиямиз ҳам бундан зарар кўрмоқда.

Гапим оғзимда қолиб, йигит бирдан сапчиб кетди:

— Экология ўзи қачон тоза бўлган?! Ундан кейин, бир менми автобусдан нарса улоқтираётган? Боя кимдир сувдан бўшаган идишни отиб юборди-ку.

— Сиз ўзингиз учун жавоб беринг, дўстим, — дедим хунобим ошиб. — Маданиятли одамлар қанча кўпайса, шунча яхши. Виждон амри билан иш тутиш керак. Дуч келган жойга чиқинди ташлаб кетаверадиган инсофсизлар бор экан, тозаликни севувчи инсонларнинг меҳнати бир пул бўлиб қолаверади. Ахир, уйингиз олдига биров ахлат тўкиб кетса, аччиғингиз келмайдими...

Хуллас, нима десам ҳам гапим икки ёшга кор қилмади. Охири ўртага кексалар қўшилиб, уларнинг нотўғри иш қилаётганини тушунтиришга киришди. Сукунатга чўмиб кетаётган автобусда зумда ғала-ғовур кўтарилди. Атрофдагилар йигит-қизга ҳар қанча танбеҳ бермасин, барибир, фойдаси бўлмади. Улар билганидан қолмади. Мен эса, ота-онадан тўғри тарбия олмаган, на ўзи, на бошқаларни ҳурмат қилишни ўрганган ўша тенгқурларимдан уялдим. Эртага улар фарзандига қандай тарбия берар экан-а?! Сиз нима дейсиз?

YOSHLIK ILHOMI

Умрзоқ АБДУВОҲИДОВ

# ТАСАЛЛИ

— Ака, жуда қўрқиб кетаяпман. Ойим қачон келади?

— Қўрқма ёнингда мен борман. Ойим ҳозир қаердалигини билмайман. Лекин бизни, албатта, олиб кетади.

Бола кўзида ёш билан:

— Йўқ, мен барибир қўрқаяпман. Мана бу катта деразалар, анави бизни ўраб турган панжаралардан қўрқяпман.

— Хавотир олма! Агар ойим келмаса, бу ердан қочиб кетамиз.

— Ака, ўзи қаердамиз?

— Эй, қўйсанг-чи! Буни сўрама.

Болакай дарвоза тепасидаги ёзувни ҳижжалаб ўқиди: "Меҳрибонлик уйи"...

MENING FIKRIM

# КИТОБ БИЛАН ЯШНАЙДИ ҚАЛБ

Ҳилолахон УЗОҚОВА,
Халқ таълими аълочиси

**Китоб — инсон ақлу идрокининг бебаҳо маҳсули. У қалбларга нур бахш этувчи, руҳимизни камолотга элтгувчи мислсиз куч.**

Эътибор берганмисиз, борлиқдаги ҳар бир нарса ўз қобиғи билан яратилган. Ҳатто кўз илғамайдиган ҳужайраларда ҳам уларни ёт унсурлардан асровчи қалқон бўлади. Инсоннинг ҳам ишончли ҳимоячиси бор. Бу — мутолаага сўнмас иштиёқдир!

Адабиёт дарсларида ўқувчилар билан китобга дўст тутинмаган, адабиётни севмайдиган, Навоий, Бобур, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон ёзган шеърларидан ҳатто бир мисра ўқиб беролмайдиган инсон ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналиши ҳақида кўп суҳбатлашамиз, баҳс-мунозара қиламиз. Китоб мутолаа қилмайдиганлар зулматга чўмиб ҳаёт кечириши ҳақида мисоллар келтираман. Билими ортидан кўплаб ютуқларга эришган йигит-қизларни, буюк аждодларимизни ибрат қилиб кўрсатаман.

Айниқса, Ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан амалга оширилган янги лойиҳа — "Ёш китобхон" танловида самарқандлик Моҳинисо Шомуродова "Spark" автомашинасини ютиб олгани ғоят қувонарли воқеадир. У ёшларнинг мутолаага бўлган қизиқишини янада орттириб, китобсевар оилаларнинг кўпайишига сабаб бўлгани рост.

Яқинда таълим даргоҳимизда Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти жонбозлиги асосида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон "Сайланма"сининг тақдимотини ўтказдик. Ўқувчилар билан бу мавзуда давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказишни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, бундай ҳамкорлик, албатта, ўз мевасини беради.

BILASIZMI?

1949 йилда Прагада Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романи чех тилида нашр қилинди.

1960 йилда Будапешт шаҳрида Ойбек ва Ғафур Ғулом шеърлари венгер тилида чоп этилган.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

**— Икки нафар ёш болам билан кўп қаватли уйда яшайман. Ён қўшнимиз кеч бўлди дегунча мусиқани баландлатиб, дўстлари билан тонггача айш-ишрат қилиб ўтиради. Ўртада умумий девор бор — ҳаммаси шундоққина эшитилиб туради. Бемаҳалда тинчимизни бузгани-бузган. Ўзига айтдим, фойдаси бўлмади. Мазкур ҳолат юзасидан қўшнимга нисбатан бирон чора қўллаш мумкинми?**

**Санобар БЕКНАЗАРОВА**
Тошкент шаҳри

**Саволга ҳуқуқшунос Гулноза ЙЎЛДОШЕВА жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасида айнан сиз тилга олган ҳолат учун жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, мазкур кодекснинг "Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш" деб номланган 192-моддасида тунги вақт — соат 23.00 дан 06.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, тураржойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратурадан фойдаланиш, тураржой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмаган ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар бажариш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, фуқаро энг кам иш ҳақининг ярми миқдорида жарима тўлаши шарт.

Айни дамда савол эгаси ўзини қийнаётган ҳолат юзасидан милицияга оғзаки ёки ёзма мурожаат қилишга ҳақли. Шунда ваколатли давлат органи ходими қўшнингизга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллай олади.

**(Материал Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).**

BIR SHINGIL FALSAFA

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

# О, ҚОҒОЗЛАР...

Кўчада оппоқ кийинган бир одам кетяпти. Худди қоғоздан ясалгандек. Ерга қадам босиши ҳам қоғоз тушгандай оҳиста. Қўлида катта қоғоз папка. Ичи тўла қоғоз. Ҳамма қиладиган ишлари қоғозга ёзилган. Мана ҳозир ҳисобхонага кириб, электр учун пул тўлаши керак. Кириб қоғоз (пул) берди ва ўрнига тўлов қоғозини олди. Вақтини тежаш мақсадида ишхонада тушлик қилмоқчи бўлиб, йўл-йўлакай дўконга кириб, ул-бул харид қилди. Егуликни қоғозга ўраб беришди. Ишга келиб столи устида ётган қоғозларни яна бир бор тартибга келтирди ва кечаги чала қолдирган жойидан ишини давом эттириб, қоғозларга кўмилди. Бир пайт котиба кириб бир даста қоғозларни хўжайин номидан ташлаб кетди. Чиқиб кетаётиб қоғозларга ўз вақтида қоғоз билан жавоб бериш шартлигини уқтириш эсидан чиқмади. Қоғозларга кўмилиб, қоғозлар билан андармон бўлиб, пешин бўлганини ҳам билмай қолибди. Қоғозни очиб, тушликка олган егулигини, дамлаган чойи билан паққос тушириб олди. Ҳали 15-20 дақиқа вақти бор экан, вақтдан фойдаланай, деб ишхонанинг пастки қаватидаги банкка қараб югурди. Кредитга олмоқчи бўлган музлаткич учун бир даста қоғозларни тўлдириб, қўл қўйди ва шунга яраша кредит берувчилардан қоғоз олди. Энди хонасига кўтарилиб, бирпас тиниқиб иш бошламоқчи эди, телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан бўлим бошлиғининг норизо овози эшитилди: "Кечаги ҳисоботингизда чалкашликлар бор экан. Зудлик билан қоғозларни тўғрилаб, тўлдириб топширинг". У яна қоғозлар оламида кеза бошлади. Худди бир-биридан азиз, ўртада биттаси йўқолса бошқасининг иши битмайдиган занжирдай боғланган қоғозлар. Қоғозлари билан овора бўлиб, иш вақти тугагани сезилмади. Ишдан қайтаётиб автобусга чиқиб, чипта (қоғоз) олди. Етиб келгач, уйларининг олдидаги майдончада болалар варрак учираётганига кўзи тушди. Беихтиёр осмонга қаради. Варраклар — осмон тўла қоғоздек туюлди, гўё. Уйига келиб овқатланиб бўлгач, хотини нималардир дея сўзларини "қоғозга ўраб" гапира бошлади. Чайналиб гапирдими, демак, дарди бор. Эрининг жаҳлини чиқармасликка ҳаракат қилган хотин олдига бир даста қоғозларни қўйди. Боғчага тўлов, бошқа тўловлар ва ҳоказо қоғозлар. Қоғоз оламида ўтган бугунги кунига шукр қилиб, ётишдан олдин газета ўқимоқчи бўлди. Лекин бироздан кейин кўзлари юмилиб, газетани юзига ёпганча, ўчирилмаган чироқ остида ухлаб қолди. Худди қоғоз остида қоғоз ётгандек.

О, қоғозлар, қоғозлар...

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Санжар Эшмуродов

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида.
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г- 436
Адади — 22799
Офсет усулида босилган.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
ЎзА якуни — 23.30

1 2 3 4 5